



Яхшилик - чиройли хулқдир. Гуноҳ - кўнглинг хотиржам бўлмаган ва одамлар билиб қолишини истамайдиган ишингдир

Наввос ибн Самъон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яхшилик - чиройли хулқдир. Гуноҳ - кўнглинг хотиржам бўлмаган ва одамлар билиб қолишини истамайдиган ишингдир», - дедилар. Вобиса ибн Маъбад разияллоҳу анҳудан ривоят: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келдим: «Сен яхшилик ҳақида сўрагани келдингми?», - дедилар. «Ҳа!» - деб жавоб бердим. «Қалбингга қулоқ сол! Нафсинг ва қалбинг хотиржам бўлган нарса - эзгуликдир. Одамлар фатво бераверсалар ҳам ичингни ғаш қилиб, кўнглингга ўрнашмаган нарса - гуноҳдир», - дедилар.

[Саҳиҳ] [Биринчи ҳадисни Имом Муслим, иккинчи ҳадисни Имом Аҳмад ва Доримий ривоят қилган]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яхшилик ва ёмонлик ҳақида хабар бердилар. У зот айтдиларки: энг улуғ яхшилик - Аллоҳ билан бўлган муносабатда тақводор бўлиш, бандалар билан эса озорларига сабр қилиш, кам ғазабланиш, очиқ юзли бўлиш, ширин сўзлаш, қариндошлик ришталарини боғлаш, итоат ва лутф кўрсатиш, яхшилик қилиш, яхши муомалада бўлишдир. Яхшилик шундай амалки, у қалб ва нафсга ором бериб, хотиржамлик бахш этади. Гуноҳ эса - нафсда шубҳа уйғотиб, қалб хотиржам қабул қила олмайдиган, инсонда у қилмиш гуноҳ бўлиши мумкин деган хавотир туғдирадиган амалдир. Бундай нарсани инсон ўзидан улуғ ва комил кишилар кўриб қолишидан уялади. Чунки нафс табиатан одамлар унинг яхшиликларини кўришини истайди, аммо агар ишини одамлар кўришини истамаса, демак у ишда яхшилик йўқ, аксинча, ёмонликдир. Агар одамлар сенга бу ҳақда фатво берсалар ҳам, қалбингда шубҳа ва иккиланиш қолса, у фатвога эргашма, чунки ҳақиқий шубҳа мавжуд экан, нотўғри фатво уни йўқота олмайди. Аммо агар фатво Қуръон ва суннат далили асосида берилган бўлса, унга қайтиш вожибдир. Гарчи сенинг қалбингда ёқимсизлик сезилса ҳам.

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

